



**БАДИЙ МАТННИНГ ТАРЖИМАДАН АВВАЛГИ ТАҲЛИЛИ
ХУСУСИДА
О ПРЕДПЕРЕВОДЧЕСКОМ АНАЛИЗЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО
ТЕКСТА
ON THE PRE-TRANSLATIONAL ANALYSIS OF LITERARY TEXT**

Шахзод Турниязов

СамДЧТИ Инглиз филологияси кафедраси ўқитувчиси

Email: shakhzod.turniyazov@gmail.com

Тел.: +998 97 931 04 13

Аннотация. Тезисларда бадиий матннинг таржимадан аввалги таҳлили тўғрисида сўз боради. Муаллиф бундай таҳлилсиз матн таржимасини бошлаб бўлмаслигини аниқ мисоллар асосида далиллаб беради.

Калит сўзлар: бадиий матн, таржима назарияси, таржима стратегияси, матннинг таржимадан аввалги таҳлили.

Аннотация. В тезисах обосновывается необходимость предпереводческого анализа художественного текста. Автор на основе конкретных примеров доказывает невозможность перевода художественного текста без такого анализа.

Ключевые слова: художественный текст, теория перевода, стратегия перевода, предпереводческий анализ текста.

Abstract. The theses substantiate the necessity of pre-translation analysis of the literary text. The author, based on concrete examples, proves the impossibility of translating a literary text without such analysis.

Keywords: literary text, translation theory, translation strategy, pre-translation analysis of the text.

Бадиий матннинг таржимадан аввалги таҳлили хусусида

Сўнгги йилларда чет тилларидан, хусусан, инглиз тилидан қилинаётган таржималар билан танишар эканмиз, бу бадиий асарлар таржимадан аввал мутлақо таҳлил қилинмаётганини кўришимиз мумкин. Маълумки, ҳар қандай таржима энг аввало таржимадан аввалги таҳлилга асосланиши лозим. И.С.Алексеева, жаҳон олимларининг фикрларига муштарак равишда (масалан, Seleskovitch, Lederer, Виноградов) мазкур таҳлилнинг қуйидаги босқичларини кўрсатади[1].

1. Матн ҳақида «ташқи» ахборотини тўплаш: а) яъни, матн муаллифи, унинг ҳаёт йўли, ижоди, шахсияти, услуби ва ҳоказо; б) яратилган ва нашр этилган вақти, тарихий ва маданий контексти; в) парча қайси глобал матн ёки нашрдан олинган, асл нусха қайси аудиторияга мўлжалланган.



2. Ахборот таркиби ва унинг зичлигини аниқлаш: а) ахборот турлари: матнда мавжуд бўлган когнитив (фактик), ҳиссий ва эстетик маълумотларни аниқлаш; б) ахборот зичлиги: матннинг атамалар, саналар, номлар, маданий воқеликлар билан тўйинганлигини баҳолаш, бу тегишли таржима ечимларини танлашга таъсир қилади (масалан, транслитерация, калкалаш, тавсифий таржима).

3. Матннинг коммуникатив мақсадини (вазифасини) аниқлаш: а) мақсадни тушуниш таржимонга таржима матни учун тўғри оҳанг ва услубни танлашга ёрдам беради, шунда у мақсадли аудиторияга асл нусхадагидек таъсир кўрсатади.

4. Таржима қилинаётган матннинг нутқий жанрини аниқлаш: а) матнни жанр бўйича таснифлаш (масалан, янгиликлар, йўриқнома, бадий асар, илмий мақола); б) жанр таржимон амал қилиши лозим бўлган муайян тил ва услубий меъёрларни белгилайди.

Функционал ёндашувга асосланган ушбу таҳлил таржимонга таржима стратегиясини ишлаб чиқиш, асосий қийинчиликларни олдиндан кўра билиш ва якуний матннинг эквивалентлиги ва адекватлигини таъминлаш имконини беради.

Юкоридаги талабларни биз О.Генрининг «The Cop and the Anthem» ҳикояси асосида кўриб чиқамиз. Ҳикоя ўзбек тилига Ф.Зиёдуллаев томонидан таржима қилинган ва қуйидаги Интернет саҳифасига жойлаштирилган: <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/jahon-nasri-onlayn-antologiyasi/o-genri-1862-1910-aqsh>.

1. О.Генри ҳақида айтиш мумкинки, у 19-аср охири 20-аср бошларида АҚШда яшаган, адабиётда кичик одамлар муаммоларини кўтариб чиққан, уларга ҳайрихоҳлик билдирган. Унинг услуби юморга, ўхшатишларга, афоризмларга, сленгга бой (the mansion of All Outdoors, the hospitable Blackwell's ва ҳоказо)[2].

2. О.Генри асарлари эстетик турдаги матнлар сирасига киради. Унинг ҳикоялари атамалар, тарихий номлар, ўзга ёзувчилар асарларига шаъмалар, реалиялар билан тўлиб тошган ва катта «фон» билимларига эга бўлишни талаб қилади: Caesar, Brutus (тарихий шахслар), Boreas (қадимги юнон мифологиясида шамол маъбуди), Riviera (мўтадил иқлимли курорт шаҳарлардаги денгиз қирғоқларининг умумий номи), protoplasm (гўшт ва ўсимликлар таркибидаги модда) Fifth Avenue (Нью-Йоркдаги энг бой кўчалардан бири, бойлик рамзи), Arkadia (етиб бўлмас орзу), the Anthem (черковда қуйланадиган диний кўшик), Jack Frost (америка фольклоридаги аёзнинг шахсийлашган тимсоли, худди Қорбобо сингари), Blackwell (АҚШдаги шу номли оролда қачонлардир қамоқхона, руҳий хасталиклар касалхонаси бўлган) сингари кўплаб сўзлар учрайдики, уларсиз О.Генри ҳикояларидаги юморни ва шаъмаларни, нозик маъноларни тушуниб ҳам, ўқувчига етказиб ҳам бўлмайди.





3. Асарлар мақсади жамиятдаги кичик одамларга ҳайрихоҳлик уйғотиш.

(In them there were no considerations of Mediterranean cruises, of soporific Southern skies drifting in the Vesuvian Bay. Three months on the Island was what his soul craved.)

4. О.Генри ҳикоялари бадиий асар нуткий жанрига киради. Асарларда унинг услуги жуда муҳим роль ўйнайди.

(When wild geese honk high of nights, and when women without sealskin coats grow kind to their husbands, and when Soapy moves uneasily on his bench in the park, you may know that winter is near at hand; footman of the mansion of All Outdoors; For years the hospitable Blackwell's had been his winter quarters). Бундай жумлаларни таржима қилмаслик О.Генрини умуман таржима қилмаслик билан баробардир.

Юқоридаги асар ўзбек тилига «Нью-Йорклик дайди» деб таржима қилинган. Ҳолбуки, О.Генри асарнинг номидаёқ сленгга мурожаат қилаяпти, яъни АҚШда полициячиларни жаргонда the Cop деб аташади, the Anthem сўзига келсак, бу черковда ибодат вақтида айтиладиган диний мазмундаги кўшиқ. Ҳикоя номининг ўзидаёқ ёзувчи бу икки – паст ва юқори регистрга эга сўзни қарама-қарши қўймоқда ва комик маънога эришмоқдаки, бу маъно ҳикоя давомида очиб берилади[3].

Афсуски, кўрсатилган таржимада буларнинг барчаси ташлаб кетилган. Чунки таржимани ўқигач, таржимон ҳикояни таржимадан аввал таҳлил қилмаган, мазкур сўзлар маъноси билан қизиқмаган, улар нима мақсадларда ишлатилгани тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган, деган фикр пайдо бўлади кишида. Ҳар ҳолда таржимон томонидан танланган «жўнлаштириш» стратегияси шундай дейишга асос бўла олади.

Замонавий таржималаримизда учрайдиган мана шундай катта камчиликлар бадиий матннинг таржимадан аввалги таҳлили муаммоси жуда долзарб эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Алексеева И.С. Введение в переводоведение. М.: Издательский центр «Академия», 2004, -352 с.

2. Жданова Д. Поэтика художественной речи в новеллах О. Генри. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук. Москва, 2012. <https://imli.ru/dissertatsionnyj-sovet-d-002-209-01-obshchee/dissertatsionnyj-sovet-d-002-209-01/1578-avtoreferat-zhdanovoj-da>

3. Абросимова Н. Некоторые вопросы перевода сниженной лексики английского языка на русский язык (на материале рассказов О.Генри, М.Твена, С.Ликока). <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-voprosy-perevoda-snizhennoy-leksiki-angliyskogo-yazyka-na-russkiy-yazyk-na-materiale-rasskazov-o-genri-m-tvena-s-likoka>

